



20 22 yil “ 03 ” 06 № 377

Navoiy sh.

## BUYRUQ

*“Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJning  
Харидлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш*

Харидлар тизимининг шаффофлигини янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, жамият маблағларининг мақсадли сарфланишини ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, шунингдек, уларнинг жорий ишлаб чиқариш фаолияти узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида,

### БУЮРАМАН:

1. “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJнинг “Харидлар тўғрисида”ги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш жараёнида иштираётган этувчи Жамиятнинг барча ходимлари, уларнинг лавозимидан қатъий назар:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, мазкур Низом ва “НКМК” AJнинг давлат харидлари соҳасидаги бошқа ички ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилсин;

2.2. Жамиятнинг самарасиз молжамият харажатларга ва айланма маблағларини асоссиз равишда йўналтиришга йўл қўймасин;

2.3. Шартномаларни тузиш ва амалга ошириш жараёнида Жамиятнинг маънафатлари ва обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатдан ўзини тийсин;

2.4. Тасдиқланган Харидлар режаси асосида молиялаштириш лимитлари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун таркибий бўлинмалар фаолиятининг номенклатураси, функционал йўналишлари бўйича материалларни истеъмол қилиш меъёрлари, омбор захираларининг ҳажмлари, шунингдек ишлаб

чиқариш жараёнида ва йўлда бўлган товарларни ҳисобга олган ҳолда буюртма ҳамда шартномалар расмийлаштирилсин.

3. Товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ваколатига эга бўлган бўлинмалар раҳбарлари мазкур буйруқ тасдиқланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида ўзига бўйсунувчи ходимлар доирасида ушбу буйруқ билан тасдиқланган Низом қоидаларини ўрганиб чиқиш бўйича ишларни ташкил этсин.

4. Шартномалар тузиш ваколатига эга бўлган бўлинмалар раҳбарлари харид қилиш тартиб-қоидаларига ва Жамиятнинг манфаатларига риоя қилиш учун шахсий жавобгарлиги белгилансин. Шартномалар маълум фойдасиз шартларда, харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш қоидаларини бузган тақдирда, шунингдек, тузилган шартномалар шартларини лозим даражада бажармаганлик ёки бошқа сабабларга кўра Жамиятга зарар етказилган тақдирда шартномани имзолаган шахс Жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунийлигига мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши бўйича қатъий огоҳлантирилсин.

5. Мазкур буйруқни ижросини назорат қилиш Харидларни ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи С.Ш. Рустамов зиммасига юклансин.

Бошқарув раиси -  
Бош директор

Қ.С. Санақулов